

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисига
2023 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ички ишлар
вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг
профилактикаси ҳолати тўғрисидаги**

А Х Б О Р О Т И

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва аҳолининг муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, 2023 йил давомида ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида бир қатор қуйидаги комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

1. “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги **ПФ-27-сон** Фармони билан тасдиқланган **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”**да амалга оширишга оид Давлат дастури билан Ички ишлар вазирлиги асосий ижрочиси этиб белгиланган барча вазифалар ўз вақтида бажарилди.

Бугунги кунга қадар 3 та Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди.

1 та қарор лойиҳаси Президент Администрацияси томонидан кўриб чиқилмоқда.

Хусусан, Ички ишлар вазирлигида тайёрланган лойиҳалар асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қуйидаги **янги механизмлар** яратилди:

– **ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга** (ногиронлиги бўлган шахслар, оғир беморлар, кексалар ва бошқалар) жойига борган ҳолда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида айрим давлат хизматларини бепул кўрсатиш тартиби жорий этилди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 31 июлдаги 321-сон “Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, шунингдек, автотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

– **Тошкент** ва **Нукус** шаҳарларида ҳамда вилоятлар ва туманлар марказларида транспорт воситалари ҳаракатланишининг энг юқори тезлиги 70 километр соатдан 60 километргача туширилди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 апрелдаги 140-сон “Йўл ҳаракати қоидаларига автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

– шахснинг ҳуқуқларини чеклаш бўйича қўлланилган процессуал мажбурлов чораларини **Ягона электрон база** орқали ҳисобга олиш амалиёти жорий этилди.

“Харакатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олишнинг янги тизimini жорий этиш тўғрисида”ги 2023 йил 31 августда 431-сонли Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Шунингдек, **жиноятларни тергов қилиш** соҳасида ички ишлар органларининг ташкилий-бошқарув фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича Президент қарори лойиҳаси тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2023 йил 28 августда Вазирлар Маҳкамаси орқали Президент Администрациясига киритилди.

II. Аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш ҳамда фуқароларга қулайликлар яратиш борасидаги тадбирлар

2023 йил **31 январдан** бошлаб, Ички ишлар вазири бошчилигидаги идоралараро ишчи гуруҳи бевосита жойларга чиққан ҳолда **уч босқичда** аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш борасида амалга оширилган ишлар аҳолини ўрганди.

Биринчи босқичда 2023 йил 31 январдан 27 мартга қадар **7 та** ҳудуд, яъни **Фарғона, Наманган, Андижон, Тошкент, Сирдарё, Жиззах** ва **Сурхондарё** вилоятлари ўрганилди.

Иккинчи босқичда 2023 йил 29 майдан 24 июнга қадар **5 та** ҳудуд, яъни **Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё** ва **Самарқанд** вилоятлари ўрганилди.

Учинчи босқичда 2023 йилнинг **18-21 июнда** **Навоий, 24-28 июлда** **Бухоро** ҳамда **7-10 августда Самарқанд** вилоятлари ўрганилди.

Бунда, ишчи гуруҳ энг чекка қишлоқларга бориб, жойларда сектор раҳбарларининг масъулиятига баҳо бериш, тегишли идораларнинг иш натижадорлигини ўрганиш ва криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш борасида ўрганишларни амалга оширди.

Бунинг доирасида:

– криминоген жиҳатидан оғир **1 712 та** маҳаллага бориб, **38 519 та** жиноятларнинг сабаблари муҳокама қилинди;

– 2022 йил якуни билан “қизил” тоифага киритилган **3 054 та** маҳаллага ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари бириктирилди ва ҳар бир маҳалла учун “йўл харита”лари ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди;

– **387 та** “қизил” тоифадаги маҳаллаларда **160 нафар** сектор раҳбарлари ва **1 935 нафар** маҳалла вакиллари аҳолининг муаммоларини ҳал этиш борасида янги иш услубларини ўргатиш бўйича **36 маротаба махсус семинарлар** ўтказилди;

– олисда жойлашган маҳаллаларда **2 214 та** сайёр қабуллар ўтказилди, фуқароларга **12 480 та** ижтимоий ёрдам кўрсатилди, **3 712 нафар** ишсизлар доимий ишга жойлаштирилди, **913 нафари** касб-хунар ўрганишга юборилди;

– олис ҳудудларда **684 та** ярмарка ташкил этилиб, **3,4 минг тн** арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди;

– **5 672 нафар** ёшлар, **4 324 нафар** аёллар билан маҳаллаларда, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда **1 370 маротаба** кенг қамровли профилактик тадбирлар ўтказилди;

– низоли оилаларда мавжуд **4 557 та** маиший муаммолар бартараф этилди, тазйиққа учраган **941 нафар** аёлларга “ҳимоя ордери” берилди, фарзандининг тарбиясига эътиборсиз бўлган **119 нафар ота-она** маъмурий жавобгарликка тортилди;

– **846 та** жиноий ва **1 346 та** маъмурий ҳолатлар аниқланиб, **87 та** жиноят фош этилди, **191 нафар** қидирувдагилар қўлга олинди;

– **33,9 га** ерларни сотиш ва **10,1 га** ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш билан боғлиқ **74 та** жиноят ишлари қўзғатилди;

– **141,7 кг** гиёҳвандлик воситалари, **18 744 дона** психотроп дорилар, **20,3 тн** нефть маҳсулоти, **110 дона** ўқотар ов қуроллари, **1 371 дона** совук қуроллар олинди.

Жойларда аниқланган муаммоли масалалар маҳаллий ҳокимлик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари иштирокида муҳокама қилиниб, уларни бартараф этишга қаратилган “йўл харита”лари ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

III. Йирик оммавий тадбирларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар

Ўзбекистон Республикаси Референдуми ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови давомида **10 мингдан** зиёд объектларда **20 млндан** ортиқ фуқароларнинг хавфсизлиги таъминланди.

Мазкур тадбирларга **33 523 нафар** ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари жалб этилди. Уларга хизматда фойдаланиш учун **13 613 та** алоқа, **4 135 та** автотранспорт воситалари, **13 613 та** металлодетектор ҳамда **231 бош** хизмат итлари бириктирилди.

Референдум ва сайловни хавфсиз шароитда ўтказиш мақсадида, республика бўйича **барча референдум ва сайлов участкалари бинолари** бирма-бир ўрганиб чиқилиб, хавфсизлик учун зарурий восита ва жиҳозлар билан таъминланди.

Наврўз байрами 231 та объектларда **1 млн 164 мингдан** ортиқ фуқаролар иштирокида ўтказилиб, жамоат тартиби тўлиқ таъминланди.

Байрам тадбирлари 185 та майдонлар, *истироҳат боғлари, хиёбон, амфитеатр ва ўйингоҳларда, 23 та* ташилот ва маданият саройларида, *7 та* спорт иншоотларида, *30 та* маҳалла ҳудудлари ва кўчаларда ўтказилди.

“**Рамазон ҳайити**”га бағишланган **2 080 та** таровеҳ намоzlари вақтида **2 119 та** масжидларда **25 млндан** ортиқ фуқаролар иштирок этди, шунингдек, “**Қурбон ҳайити**” намозидда **2,8 млн** фуқаролар иштирок этди.

2023 йил 16-18 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган **Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 32-йиллик анжумани** давомида иштирокчилар ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мустақилликнинг 32 йиллик байрами тантаналари **220 та объектларда 717 мингдан ортиқ** фуқаролар иштирокида ўтказилиб, нохуш ҳолатлар содир этилмади.

Мазкур тадбирларга 22 297 нафар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари жалб этилди. Уларга хизматда фойдаланиш учун 6 900 та алоқа, 1 658 та автотранспорт воситалари, 2 655 та металлодетектор ҳамда 268 бош хизмат итлари бириктирилди.

“Янги 2023 йил” байрами муносабати билан 2023 йил **25** декабрдан 2024 йил **5** январга қадар **257 та** объектларда **2 млндан ортиқ** фуқаролар иштирокида **2 159 та** байрам тадбирлари ўтказилди.

Жумладан, **2023 йил 28-30 декабрда** Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва вилоятларда **“Президент арчаси” тадбирлари** ўтказилди.

Юқоридаги барча оммавий тадбирларни ўтказиш давомида тезкор вазиятни назорат қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хизматга жалб этилган куч-воситаларни марказлашган тартибда бошқариш учун **Вазирлик марказий аппаратида тезкор штаб**, жойларда эса **ишчи гуруҳлар** фаолияти йўлга қўйилди.

Тадбирлар давомида жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида **“Хавфсиз ҳудуд”, “Чегара тозалаш”, “Қурол”** ва **пиротехниканинг** ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўйича манзилли тезкор-профилактик тадбирлари ўтказилди.

IV. Давлат раҳбари томонидан берилган топшириқлар ижроси

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида **2023 йил 28 июлда Фарғона вилоятида ўтказилган Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг навбатдан ташқари кенгайтирилган мажлисида** берилган барча топшириқларнинг ижроси таъминланди.

Хусусан, 2023 йил якуни билан республикадаги **2 298 та “қизил”** маҳаллаларга жами **1 912 нафар** ички ишлар, **125 нафар** Миллий гвардия, **261 нафар** прокуратура идоралари раҳбар ходимлари ҳамда ушбу маҳаллаларнинг сектор раҳбарлари номма-ном бириктирилди.

Бундан ташқари, ҳар бир туман-шаҳарда биттадан энг оғир маҳалла ажратиб олиниб, ҳокимларга бириктирилди.

Масъуллар томонидан жойига борган ҳолда маҳаллада жинойтчиликни жиловлаш бўйича қўшимча куч-воситаларни ажратиш, ҳар бир маҳаллани 2024 йил 1-чораги якунига қадар хавфсиз ҳудудга айлантириш бўйича **“йўл харита”**лар ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Ўз навбатида, **“қизил”** тоифадаги маҳаллаларда хизмат қилган **171 нафар** ёш, етарли амалий иш тажрибасига эга бўлмаган профилактика инспекторлари тажрибали ходимлар билан алмаштирилди.

Вазирлик Академияси профессор-ўқитувчилари томонидан республика бўйича жами **11 672 нафар** “маҳалла еттилиги” вакиллари учун маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш юзасидан семинар-машғулоти ўтказилди.

Аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш бўйича “ижтимоий профилактика” тизими йўлга қўйилиб, бунинг доирасида ҳуқуқбузарлик содир этиши ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган **352 668 нафар** фуқароларда мавжуд муаммолар “маҳалла еттилиги” томонидан ҳал этилиши таъминланди.

Натижада, 2023 йил якуни билан республикадаги **9 442 та** маҳалладан **2 972 тасида** (31,5 %) биронта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Шунингдек, криминоген жиҳатидан “қизил” тоифага кирган маҳаллалар сони **756 тага** ёки **25 фоизга** (3 054 тадан 2 298 тага) камайди.

Шу билан бирга, Давлат раҳбари томонидан ўтказилган ИИВ Ҳайъати мажлисида берилган топшириқлар асосида республикада қуйидаги бир қатор **янги иш амалиётлари** жорий этилди:

- уюшмаган ёшларни аниқлаб, улар билан профилактика инспектори ва ёшлар етакчиси томонидан суҳбатлашиб, мавжуд муаммоларини сектор раҳбари томонидан ҳал этиш ишлари йўлга қўйилди.

Бунинг доирасида республика бўйича **28 745 нафар**, шундан, ўқув машғулотларига бормаётган **1 942 нафар**, профилактик ҳисобда турган **7 040 нафар**, пробация назоратидаги **4 798 нафар**, илгари судланган **1 179 нафар**, қиморга берилган **1 135 нафар**, ёт ғоялар таъсирига тушган **1 130 нафар**, ажрим ёқасига келган **3 420 нафар**, гиёҳванд **527 нафар**, ичкиликка берилган **1 174 нафар**, агрессив хулқ-атвордаги **6 400 нафар** ёшлар манзилли профилактик ишлар билан қамраб олинди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 13 сентябрдаги 468-сон “Уюшмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини ягона ёндашув асосида ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

- салбий хулқ-атвор аниқланган вояга етмаган болаларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш учун уларни ҳуқуқ-тартибот идоралари ва сектор раҳбарлари томонидан худди “қизил” тоифадаги ёшлар каби “оталикқа” олиш тартиби жорий этилди.

Мазкур тизим билан **153 439 нафар** жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этиши мумкин бўлган вояга етмаган болалар қамраб олинди;

ИИВ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Миллий гвардиянинг 2023 йил 25 августдаги 45/34ққ/25-сон “Вояга етмаганлар билан ижтимоий- ҳуқуқий ишлаш кластери” тизимини жорий этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди.

- нотинч оилаларда мавжуд муаммоларни маҳалла раислари ва сектор раҳбарлари томонидан “маҳаллабай” бартараф этиш ишлари бошланиб, **117 882 та** судларда низолашаётган оилаларнинг муаммолари ҳал этилди.

ИИВ, Олий суд, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 22 сентябрдаги 53ққ/23/20-сон “Хавфсиз оила” тамойили асосида алоҳида иш тизимини йўлга қўйиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Ички ишлар вазирига бириктирилган **Қўқон шахрида** ҳам криминоген вазиятни барқарорлаштириш чоралари кўрилмақда.

Бу борада:

– **11 та** йўналиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилиб, **78 та** маҳаллада (22 таси “қизил” ва 50 таси “сарик”) криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш ишлари йўлга қўйилди;

– **10 931 нафар** алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган шахслар рўйхати шакллантирилди ва “ижтимоий профилактика” доирасида **6 737 нафар** шахсларнинг муаммолари ҳал этилди;

– кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож **5 735 та** оилалар ўрганилиб, улардан келиб тушган **4 064 та** мурожаатларнинг **3 993 таси** ҳал этилиши таъминланди, **57 таси** ижро учун сектор раҳбарларига топширилди;

– маҳаллаларда **299 та** кўп қаватли уйларнинг ертўла, том қисми ва коммуникация тизими таъмирланиб, **184 та** электр, **174 та** табиий газ, **396 та** оқова ва **386 та** ичимлик суви тармоғидаги носозликлар бартараф этилди;

– **240 та** жиноий ва **307 та** маъмурий ҳолат аниқланди, **55 нафар** қидирувда бўлган шахслар қўлга олинди, **6 нафар** бедарак йўқолган шахслар аниқланиб топилди, **77 та** жиноятлар фош этилди;

– **168 та** гиёҳвандлик, **21 та** қўшмачилик, **8 та** ер савдоси, **11 та** терроризм, **3 та** талон-тарож, **4 та** порахўрлик, **3 та** товламачилик, **67 та** диний материал тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар аниқланди;

– **9,3 кг** “марихуана”, **2,3 кг** “кўкнор”, **3,8 кг** “ташиш”, **1,3 кг** “опий”, гиёҳвандлик воситалари, **10 027 дона** психотроп дорилар, **10 та** пневматик курул, **18 та** бита, **64 та** ўткир тигли буюмлар олинди;

– жамоат жойларида **6 573 та** маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланди, **1 418 дона** ўткир тигли буюмлар олиб қўйилди;

– йўлларга **514 та** йўл белгиси ўрнатилди, **1 437 та** йўл белгиси янгисига алмаштирилди, **84 та** светофор таъмирланди, **433 дона** пиёдалар ўтиш жойлари чизилди, **71,1 км** велосипед йўлаги ташкил қилинди.

Қўқон шахрида хавфсизликни кучайтирилган тарзда таъминлаш ишлари давом эттирилмоқда.

V. Маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар

4.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 30 июнь куни Нукус шахрига амалга оширган ташрифи давомида “Алтин жағыс” маҳалласининг намунаси асосида “маҳалла еттилиги” томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиши ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан ишлаш бўйича “**ижтимоий профилактика**” тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилган эди.

Мазкур тизим доирасида **профилактика инспектори** томонидан уйма-уй юриш орқали аниқланган ҳар бир тоифадаги шахс бўйича **хулоса** тузилади.

Тузилган хулоса асосида **мавжуд муаммоларни ҳал этиш** учун **фуқаролар** маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ёки ёшлар етакчисига **бириктирилади**. Муаммо ҳал этилмагунича хулоса амал қилади.

Президентнинг 2023 йил 25 декабрдаги ПФ-209-сон “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишида биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида асосан:

– *Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида 5 та штат бирлигидан иборат бўлган “Маҳалла еттилиги” фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўлимини ташкил этилди.*

– *ҳоким ёрдамчиси 18 та, хотин-қизлар фаоли 27 та, ёшлар етакчиси 19 та турдаги ижтимоий ёрдам ва субсидиялар ажратади.*

Мазкур тизим асосида хонадонлар, оилалар ва профилактик ҳисобдаги шахслар ўрганилиб, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган **516 245 нафар** шахслар аниқланиб, улар бўйича **хулосалар** тузилди.

Маҳалла раисларига 159 394 та, ҳоким ёрдамчиларига 117 843 та, хотин-қизлар фаолларига 138 012 та ва ёшлар етакчиларига 100 996 та хулосалар берилди.

Тузилган хулосалар бўйича амалга оширилган ишлар натижасида **352 668 нафар** шахсларнинг муаммолари ижобий ҳал этилди.

Хусусан:

– **маҳалла раислари** томонидан **18 402 нафар** шахснинг низоларига барҳам берилди, **30 156 нафар** шахслар ишга жойлаштирилди;

– **ҳоким ёрдамчилари** томонидан **9 059 нафар** шахсга субсидия олишда ёрдам кўрсатилди, **4 739 нафари** хунармадчиликка жалб қилинди, **5 774 нафари** касбга ўқитилди, **11 087 нафари** тадбиркорликка жалб қилинди;

– **хотин-қизлар фаоллари** томонидан **12 116 нафар** хотин-қизга тиббий, **16 504 нафарига** психологик, **8 035 нафарига** моддий ёрдам кўрсатилди;

– **ёшлар етакчилари** томонидан **2 622 нафар** ёшларнинг контракт пуллари ва **2 042 нафарига** ҳарбий хизмат тўловлари тўлаб берилди, **2 303 нафарига** ҳайдовчилик гувоҳномаси, **6 440 нафарига** бир марталик моддий ёрдам ва **13 084 нафарига** деҳқончилик учун ер олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган топшириқлар асосида **ёшларни 3 та тоифага** ажратган ҳолда улар билан индивидуал ишлаш бўйича **янги тизим** амалиётга татбиқ этилди.

Хусусан, **21 053 нафар** муаммоси мавжуд “қизил” тоифадаги ёшлар барча даражадаги ички ишлар органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига бириктирилди.

Президент Администрациясининг 2023 йил 7 февралдаги топширигига асосан 9 021 738 нафар ёшларнинг 4 146 063 нафари “яшил”, 4 875 675 нафари “сарик”, 395 768 нафари “қизил” тоифага ажратилди.

“Қизил” тоифадаги ёшлар республика ва ҳудудлар даражасидаги идора ва ташкилот раҳбарларига номма-ном бириктирилди.

Мазкур тоифадаги ёшларнинг **5 256 нафари** меҳнат миграциясидан қайтган, **1 105 нафари** сурункали касал, **6 855 нафари** ногирон, **434 нафари** ажрим ёқасидаги, **539 нафари** эса нотинч оилалардаги фарзандлари, **231 нафари** етим ёшлар ташкил этган.

Шунингдек, уларнинг **2 134 нафари** пробация назорати, **3 061 нафари** профилактик ҳисоб, **546 нафари** дарс қолдирувчи, **535 нафари** ёт ғоялар таъсирига тушган, **131 нафари** гиёҳвандликка мубтало бўлган ёшлардир.

Ёшлар билан **22 001 маротаба** учрашувлар ўтказилди ва уларда аниқланган **25 672 та** муаммолар ҳал этилиши таъминланди.

Жумладан, **2 183** нафари ишга жойлаштирилди, **868** нафари касб-хунарга ўқитилди, **173** нафари муддатли ҳарбий хизматга жўнатилди, **668** нафари пробация назоратидан, **2 187** нафари профилактик ҳисобдан чиқарилди, **6 122** нафарига тиббий, **77** нафари турар жойи ижараси, **483** нафарига кредит олиш, **757** нафарига ер ажратиш, **12 154** нафарига бошқа ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, маҳаллаларда ёшлар ва вояга етмаганлар орасида жинойatchиликнинг барвақт олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чоралари кўрилди:

– **вояга етмаганлар** орасида назоратсизликнинг олдини олиш мақсадида жамоат жойларида қаровсиз қолган **112 750 нафар** бола аниқланиб, уларнинг **11 784 нафари** ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига, **204 нафари** ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилди, ота-она қарамоғисиз қолган **339 нафарига** васий ва ҳомийлар тайинланди;

– фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарнинг **502 нафари** ишга жойлаштирилди, **1 347 нафарига** моддий ёрдам кўрсатилди;

– **талабалар** орасида жинойatchиликнинг барвақт олдини олиш мақсадида, **210 та** олий таълим муассасасида **166 нафардан** зиёд профилактика инспекторининг (*шундан 25 нафари хотин-қизлар масалалари бўйича*) фаолияти йўлга қўйилди;

– **156 та** олийгоҳда **312 та** “Қалқон” гуруҳлари ташкил этилиб, уларга **2 332 нафар** талаба жамоатчилиқ асосида жалб этилди;

– “**Хавфсиз таълим муассасаси**” тамойили асосида инспектор-психологлар томонидан **84 767 нафар** тарбияси оғир болалар билан **398 381 маротаба** профилактик ишлар олиб борилди, уларнинг хонадонларига **103 309 маротаба** борилиб, фарзандининг тарбиясига эътиборсизлик қилган **98 793 нафар** ота-оналарга маъмурий чоралар кўрилди;

– вояга етмаганларнинг **6 269 нафари** ўқишга қайтарилди, **7 881 нафари** спорт, **6 199 нафари** факультатив тўғаракларга, **1 126 нафари** кичик бизнес шохобчаларига жалб этилди ва **2 107 нафари** “Баркамол авлод” марказларига жойлаштирилди;

– ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган буюмларни олиб юрган **4 818 нафар** вояга етмаганлар аниқланиб, улардан **1 222** дона пичоқ, **88** дона бита, **1 120** дона кастет, сюрикэн ва кистенлар ҳамда **346** дона бошқа ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган буюмлар олинди.

4.3. Хотин-қизлар ўртасида ҳукукбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди:

– ижтимоий кўмакка муҳтож аёлларнинг **6 634 нафари** ишга жойлаштирилди, **2 291 нафарига** тиббий ёрдам кўрсатилиб, **8 473 нафарига** моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди;

– таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган **40 055 нафар** хотин-қизларга “ҳимоя ордери” берилиши натижасида **17 327 та** оилалар яраштирилиб, **20 876 та** низолар бартараф этилди;

– оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўравонлик ишлатилишига дуч келган **1 450 нафар** хотин-қизлар Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига жойлаштирилди;

– ижтимоий муаммолари ҳал этилиши натижасида соғлом турмуш тарзига ўтган **26 100 нафар**, шу жумладан **647 нафар** вояга етмаган қизлар, **5 076 нафар** ёш хотин-қизлар, **384 нафар** илгари судланган аёллар ички ишлар органлари ҳисобидан чиқарилди;

– оғир вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга тезкорлик билан зарурий ёрдам кўрсатиш учун тизимда қисқа “**1259**” ва “**1286**” рақамли “**Ишонч маркази**” ташкил этилиб, марказга қўнғироқ қилган **9 297 нафар** аёлларга **психологик** ва **ҳуқуқий ёрдам** кўрсатилди.

VI. Жиноятчиликка қарши курашиш ва криминоген вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари

2023 йилнинг 12 ойи мобайнида республика ҳудудида жиноятчиликни жилавлалаш, содир этилган жиноятларни фолш этиш ва криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш борасида **комплекс чора-тадбирлар** амалга оширилди.

5.1. Тезкор-қидирув фаолиятини жадаллаштириш йўналишида:

2023 йилда ходимларнинг ташаббуси билан **41 339 та** жиноят аниқланган бўлиб, мазкур амалиёт **6,5 фоизга** (2022 йил 12 ойида – 38 810 та) яхшиланган.

Хусусан:

– **588 та** “хужра”, **122 та** ноқонуний номозхона, **89 та** ноқонуний диний жамоат ҳамда **807 та** интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ёт ғояларни тарқатиш ҳолатларига барҳам берилган ва ноқонуний муомаладан **10 тн 306 кгдан** зиёд гиёҳвандлик воситалари ва психотроп дори-воситалари олинган;

– қоидага зид равишда сақланган **3 222 дона** ўқотар ов қуроли, **2 182 дона** пневматик қурол ва жамоат жойларида олиб юрилган **1 040 дона** совуқ қурол олиб қўйилган.

Шунингдек, республикада содир этилган жами жиноятларнинг **91 322 таси** ёки **87,2 фоизи** фош этилди, тергов органларидан яширинган **7 563 нафар** шахслар ушланди, **450 нафар** бедарак йўқолганлар топилиб, **14 та** шахси номаълум мурдаларнинг шахси аниқланди;

– **3 316 нафар** шахслар томонидан содир этилган **2 840 та** коррупция ва иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар аниқланиб, улар оқибатида етказилган **249 млрд 548 млн сўм** миқдоридаги зарар ундирилиши таъминланди;

– **113 та** чегара қоидаларини бузиш ҳамда **189 нафар** одам савдоси жиноятини содир этган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланди.

5.2. Криминоген вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва жиноятчилик ҳолати:

2023 йилда республикада ҳар **100** минг аҳолига **289 та** жиноят тўғри келиб, Тошкент шаҳри (*735 та*), Тошкент (*415 та*), Сирдарё (*377 та*), Фарғона (*327 та*) ва Навоий (*296 та*) вилоятларида салмоғи юқорилиги қайд этилган.

100 минг аҳолига Россияда – 1 004, Арманистонда – 913, Беларусда – 686, Молдавияда – 509, Қозоғистонда – 472 та жиноят тўғри келади.

Жами маҳаллаларнинг **31,5 фоизида** (*2 972 та*) жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган, ўз навбатида жиноятлар қайд этилган маҳаллаларнинг **2 298 тасида** (*24,3 %*) криминоген вазият нисбатан мураккаб ҳисобланади.

Республикада жами **62 757 та** олдини олиш лозим бўлган жиноятлар содир этилган бўлиб, жиноятларнинг асосий салмоғи ёки **52,4 фоизини** ўғрилиқ (*14 444 та*) ва фирибгарлик (*18 492 та*) ташкил этган.

Ўғрилиқларнинг **16,8 фоизи** хонадонларда, **9,4 фоизи** савдо шохобчаларида, **5,4 фоизи** автотранспорт воситаларидан содир этилган, **14,4 фоизини** телефон, **4,8 фоизини** велосипед, **5,6 фоизини** ҳайвон ўғриликлари **2,7 фоизини** киссавурлик, **19,3 фоизини** ахборот технологиялар ёрдамида ташкил этади.

Фирибгарликларнинг **6,7 фоизи** ўқишга ва ишга киритиш, **8,2 фоизи** автомашина, **10,1 фоизи** уй-жой, **5,5 фоизи** кредит, **4,7 фоизи** чорва мол олиб бериш, **9,3 фоизи** қарз олди-берди билан боғлиқ ҳолда содир этилган.

Ўғрилиқ жиноятларини асосан **30 ёшгача** муайян касбга эга бўлмаган **4 397 нафар** (*29,6 %*) шахслар содир этган ҳамда фирибгарлик жиноятига эса асосан **6 126 нафар** (*33,1 %*) ёшлар жиноятга қўл урган.

Олди олиниши лозим бўлган жиноятларнинг **1 213 тасини** ўзаро низолар ва келишмовчилик сабабли содир этилган қотиллик ва тан жароҳати етказишлар ташкил этган.

Мазкур жиноятларнинг **902 таси** оилаларда, **41 таси** жамоат жойларида, **246 таси** ижтимоий объектлар ҳудудида содир этилган.

Банд бўлмаслик ёки даромад топмаслик оқибатида **69,5 фоиз** (11 902 та) жиноятлар содир этилиб, асосан **Тошкент шаҳри** (5 076 та), **Тошкент** (1 455 та), **Андижон** (942 та) ва **Сурхондарё** (801 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган.

Киберхавфсизлик йўналишида 6 455 та жиноятлар содир этилган бўлиб, уларнинг **76 фоизи** (4 923 та) фуқароларнинг **банк пластик карталаридаги** пулларни қўлга киритиш билан боғлиқдир.

Электрон тўлов тизимлари орқали содир этилган жиноятларнинг **53 фоизи** (2619 таси) **сохта ҳаволалар** юбориш орқали тасдиқловчи кодни қўлга киритиб, карта бошқарувини эгаллаш йўли билан, **15 фоизи** (734 таси) **онлайн савдо платформаларида** турли алдовлар билан товарлар учун тўловни олдиндан амалга оширишга эришиш орқали, **13,2 фоизи** (651 таси) **телефон қўнғироқлари** орқали банк карта бошқарувини тасдиқловчи кодни қўлга киритиш йўли билан содир этилган.

Шунингдек, **11,8 фоизи** (577 таси) шахсларни **сохта крипто-биржаларга** қизиқтириш ва пул ўтказишга эришиш орқали, **1,4 фоизи** (68 таси) хориждан пул юборишни ваъда қилиб, **почта харажатларига** тўлов сифатида пул ўтказдириш орқали содир этилган.

Интернет тармоғида **ноқонуний равишда онлайн кимор** ва **таваккалчиликка асосланган ўйинларни** ўтказиб, фуқароларнинг пул маблағларини жалб этиб келаётган **420 та** интернет ресурслари аниқланиб, блокланди ҳамда уларни содир этган **95 нафар** шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилди.

Кибертовламачилик қилиб келган **421 та** интернет ресурсларнинг фаолияти аниқланиб, барчаси блокланди ҳамда **15 нафар** шахс жиноий жавобгарликка тортилди, **54 нафар** шахс расмий огоҳлантирилди.

Аҳолини кибертахдидлардан огоҳлантириш бўйича **“Cyber-Week”** ва **“Cyber 10 day”** номлари остида жами **46 047 та** комплекс тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб, **17 млн 903 минг** аҳоли қамраб олинди.

Маҳаллаларда **15 102 та**, мактабларда **12 134 та**, олий таълим муассасаларида **1 593 та**, корхоналарда **7 201 та** ҳамда савдо комплексларида **2701 та** тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Қамраб олинган аҳолининг **7 млн 206 минг** нафари ҳудудларда олиб борилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари давомида, **10 млн 697 минг** нафари эса ижтимоий тармоқлардаги тарғибот каналлари орқали тегишли маълумотлар билан танишди.

Кибержиноятлардан ҳимояланиш усулларини тушунтирувчи **35 087 та** видеоконтент, **429 216 та** тарқатма материал ва **12 909 та** баннерлар тайёрланди, оммавий ахборот воситаларида **13 633 маротаба** чиқишлар қилинди.

Ички ишлар вазирлигининг (**“Youtube”, “Telegram”, “Instagram”**) ижтимоий тармоқлардаги **“cyber 102 | IV Kiberxavfsizlik markazi”** тарғибот каналлари орқали **400 мингдан** ортиқ обуначига **39 176 та** ташвиқот материаллари ҳавола этилди.

VII. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш тадбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган топшириқлар асосида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ислохотларнинг **янги босқичи** бошланди.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (АФ-9-сон) **фармойиши** асосида **Республика ишчи гуруҳи** ташкил этилиб, соҳадаги тизимли камчиликларни бартараф этиш мақсадида киритилган лойиҳалар асосида Ўзбекистон Республикасининг **1 та** қонуни, Президентнинг **5 та** қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг **15 та** қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2 та Қонун лойиҳаси, 6 та Ҳукумат қарори лойиҳалари, Вазирлар Маҳкамасида яна 6 та қарор лойиҳаси вазирлик ва идораларда кўриб чиқилмоқда.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раҳбарлигида **Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш республика махсус комиссияси**, ҳокимлар раҳбарлигида эса **ҳудудий махсус комиссиялар** тузилиб, уларнинг **таркиби** ва **низоми** тасдиқланди.

Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган **“Хавфсиз ва равон йўл”** умуммиллий дастури тасдиқланди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги ПҚ-316-сон “2022–2026 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган «Хавфсиз ва равон йўл» умуммиллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

Унда **840 банддан** иборат **5 йилга** мўлжалланган (2022-2026 йиллар) “Хавфсиз ва равон йўл” умуммиллий дастурида вилоят кесимида, йилма-йил ажратилган ва масъул ижрочилар кўрсатган ҳолда **5 та** йўналиш бўйича аниқ параметрлар билан манзилли чора-тадбирлар белгиланди.

Шунинг учун эксплуатация-монтаж бўлинмалари ҳокимликлар тасарруфидан ҳудудий Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларига ўтказилди ва уларнинг зиммасига Нукус ва Тошкент шаҳарлари, вилоятлар, туман(шаҳар)лар марказларида йўл белгилари, кўрсаткичлари ва светофорларни ўрнатиш, йўл чизиқларини чизиш вазифалари юклатилди.

Эксплуатация-монтаж бўлинмалари томонидан 2023 йилда **19 424 та** йўл белгилари ўрнатилди, **25 000 та** эскирган йўл белгилари алмаштирилди, **8,8 километр²** ҳажмда йўл ётиқ чизиқлари чизилди, **533 та** светофор қурилмалари ўрнатилди, **1,5 мингта** жойда пиёдалар ўтиш жойлари ташкил этилди, хавфли йўл участкаларида **74 та** фото-видео қайд этиш мосламалари ўрнатилди.

Шунингдек, **1 578 та** мактабда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш синфхоналари жиҳозланди ҳамда **1 019 та** мактабгача таълим ташкилотларида йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш майдончалари ташкил этилди.

Мисол учун, Юнусобод туманида жойлашган 288-сонли умумий ўрта таълим мактабида “Йўл ҳаракати қоидаларини” ўқитиш, “Рўйхатлаш ва имтиҳон олиш” синф хоналари, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тарихи музейи ҳамда “Йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш” майдончалари ташкил этилди.

2023 йилга қадар республикада 67 та мактабда синфхона, богчаларда 56 та, маҳаллаларда 5 та йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш майдончалари мавжуд бўлган.

Умумий ва ўрта таълим муассасаларида **ҳамкорлик қилиш гуруҳи катта инспектори** лавозимлари жорий этилди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 апрелдаги “Таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари тарғиботини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида” 212-сон қарорига асосан:

– умумий ва ўрта таълим муассасалари билан **ҳамкорлик қилиш бўйича катта инспекторлари** томонидан мактабларда “Дикқат йўловчи”, “Дикқат болалар”, “Яшил чироқ”, “Йўл ҳаракати қоидалари билимдони”, “Энг намунали йўловчи” каби комплекс тарғибот ва ташвиқот тадбирлари ўтказилиши йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, мактаб ўқувчиларида Йўл ҳаракати қоидалари бўйича дастлабки кўникларини шакллантириш, болалар иштирокидаги йўл-транспорт транспорт ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан профилактик тадбирларни амалга ошириш мақсадида республика бўйича **барча мактабларга Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ўз хизмат ҳудуди бўйича бириктирилиб**, мактаб ўқувчилари билан ишлаши йўлга қўйилди.

Таълим муассасаларида кўнгилли ёшлар иштирокида йўл ҳаракати қоидаларини фаол тарғиб қилувчи “Йўл ҳаракати қоидалари ёш тарғиботчиси” клуби ташкил этилди.

Республикадаги **15 та** кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилгани “Нурли маскан” мактаб-интернатларда **Йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш махсус майдончалари** ташкил этилди.

Кўзи ожиз ва заиф кўрувчилар таълим олаётган, меҳнат қилаётган ҳамда яшаш ҳудудларида овозли светофорлар ва ҳасса билан юриш учун мослаштирилган алоҳида йўлақлар ташкил этилди.

Мисол учун, Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Наманган, Фарғона, Сирдарё вилоятларидаги “Нурли маскан” олдига ҳамда Нурафшон шаҳридаги “Кўзи ожизлар жамияти” биноси олдига **овоз чиқарувчи светофор қурилмалари ва инновацион йўл белгилари** ўрнатилган.

Тошкент шаҳри бўйича жамоат транспорти устуворлигини ва тўсиқсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида **180 км** узунликдаги **17 та** алоҳида автобус йўлаклари ташкил қилинди.

Бундан ташқари, пойтахт кўчаларида аҳоли учун қулай ва хавфсиз шароитларни яратиш мақсадида, **250 та** пиёдалар томонидан бошқариладиган светофорлар ишга туширилди, **1 592 та** пиёдалар ўтиш жойларида йўл белгилари янгиланди, **3 997 м²** йўл ётиқ чизиклари чизилди.

Йўл ҳаракатини тўғри ташкил этиш мақсадида **5 та давлат стандартлари** тафтишдан ўтказилиб, қайта ишлаб чиқилди.

2023 йилда таъмирланаётган автомобиль йўлларида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан Автомобиль йўллари қўмитасига **3 776 та** ва маҳаллий ҳокимликларга **1 338 та** тақдимнома киритилди.

Қайд этиш лозим, 2023 йил давомида республикада **9 839 та** йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларнинг **19,8 фоизи** (*1 949 та*) инсон ўлими билан якунланган. Бунда:

2022 йилда жами 9 902 та, шундан 2 086 та (21 %) ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган эди.

– йўл-транспорт ҳодисаларининг **19,4 фоизи** халқаро аҳамиятга эга йўлларда, **34 фоизи** давлат аҳамиятга эга йўлларда, **20,2 фоизи** маҳаллий аҳамиятга эга йўлларда, **26,4 фоизи** ички йўлларда содир этилган;

– автоаварияларнинг **47,3 фоизи** ҳайдовчилар томонидан пиёдага йўл бермаслик ҳамда **67,6 фоизи** белгиланган тезликка, **3,4 фоизи** ухлаб қолиши ва **10,3 фоизи** қувиб ўтиш қондасига амал қилмаслик оқибатида содир бўлган.

2023 йилда автоавария оқибатида **2 282** нафар (*2022 йил 12 ойида – 2 356*) инсон вафот этган, **9 209** нафари (*9 606 нафар*) жароҳатланган.

Шунингдек, “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамиятида **Идоралараро тезкор штаб** фаолияти йўлга қўйилиб, **автобус саройлари** Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига бириктирилди.

– “Тошшаҳартрансхизмат”да Идоралараро тезкор штаб фаолияти йўлга қўйилди (**8 та** автосаройда ишчи гуруҳлар тузилди);

– таъмирталаб **177 дона** автобус тўлиқ, **14 172 таси** жорий таъмирланиб, йўналишларга чиқарилди;

– автобуслар сонини кўпайтириш учун “Самавто” заводидан **233 дона**, Хитойдан **1 004 дона** автобуслар олиб келинди (*302 дона электробус, 500 дона “Yutong” 12 м, 200 дона “King long” 18 м автобус ҳамда 2 дона “King long” русумли 18 м электробуси*).

Натижада, автобуслар **1 706 тага** (*92 % кўпайган*) етказилди;

– тирбанд йўналишларга **615 та** автобус қўшимча жалб этилди;

– ҳаракатланиши оралиғи **10 дақиқага** қисқарди, йўловчилар сони **73 фоизга** ошди.

VIII. Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан яқин ҳамкорликда ишлаш бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан **Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси** тасдиқланди.

Ўз навбатида, 2023 йил давомида **91 725 нафар** ходимларнинг малакаси оширилди ҳамда **хорижий полиция** тизими таълим муассасалари ва бўлинмаларида **119 нафар** амалиётчи ходимларнинг малакаси оширилди.

Шунингдек:

– ички ишлар органларига **3 000 нафардан** зиёд номзодлар янгидан хизматга қабул қилинди, иш самарадорлигини ошириш мақсадида ходимларнинг истиқболли захираси яратилди, **6 000 нафар** зиёд ходимлар аттестациядан ўтказилди;

– психолог-мутахассислар томонидан шахсий таркиб билан **2 072 маротаба** тарғибот-ташвиқот ишлари, **28 693 маротаба** яқин тартибдаги консултиватив суҳбатлар ўтказилди;

– юқори натижаларга эришган **76 нафар** ходимлар давлат мукофотлари билан ва **3 720 нафар** ходимлар идоравий мукофотлар билан тақдирланди;

– **188 та ҳолатда** ходимларга пора бериш жиноятлари бўйича махсус тадбирлар ўтказилиб, хизмат вазифасига виждонан ёндашган ходимларга **541,1 млн сўм** пул мукофотлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги